

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019.Tib. 29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

САДИРХОДЖАЕВА АЗИЗАХОН АЛАВИТДИНОВНА

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИНГ 1 ТУРИ БИЛАН ОҒРИГАН БОЛАЛАРДА
ЮРАК-ҚОН ТОМИР БУЗИЛИШЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШ ВА
УЛАРНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Садирходжаева Азизахон Алавитдиновна

Қандли диабетнинг 1 тури билан оғриган болаларда юрак-қон томир бузилишларини прогнозлаш ва уларни коррекциялаш.....3

Садирходжаева Азизахон Алавитдиновна

Прогнозирование сердечно-сосудистых нарушений у детей с сахарным диабетом 1 типа и их коррекция.....21

Sadirkhodjaeva Azizakhon Alavitdinovna

Prediction and correction of cardiovascular disorders in children with type 1 diabetes mellitus.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019.Tib. 29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

САДИРХОДЖАЕВА АЗИЗАХОН АЛАВИТДИНОВНА

**ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИНГ 1 ТУРИ БИЛАН ОҒРИГАН БОЛАЛАРДА
ЮРАК-ҚОН ТОМИР БУЗИЛИШЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШ ВА
УЛАРНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Tib756** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ашурова Дилфуза Ташшулатовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Шамансурова Эльмира Амануллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шамсиев Фуркат Мухитдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини
ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «25» 14.09.2021 куни соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (540 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «6» 10.09.2021 куни тарқатилди.
(2021 йил «6» 10.09.2021 даги 8 рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

А.В.Алимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

[Handwritten signature]

К.Н. Хайтов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

[Handwritten signature]

Д.И. Ахмедова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда қандли диабет (ҚД) замонавий тиббиётнинг энг муҳим ва мураккаб муаммоларидан бири ҳисобланиб, бу унинг болалар орасида кенг тарқалиши, клиник полиморфизми ва асоратларининг оғирлиги билан долзарб муаммо сифатида аҳамият касб этади. Халқаро Диабет Федерацияси (IDF) маълумотларига кўра, «...ҳозирги кунда касаллар 463 миллион нафарни ташкил этади, бу эса 1990 йилга нисбатан уч баробар кўп, 2045 йилгача 700 миллион нафаргача ўсиши башорат қилинади...»¹. Қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган беморларнинг ногиронлиги ва ўлимнинг асосий сабаблари микро ва макро-қон томир асоратларидир. Шу жиҳатдан ҳам кардиомиопатия, кардиосклероз, юрак етишмовчилиги ва ўлимга олиб келувчи аритмияларнинг ривожланишига олиб келадиган диабетик автоном кардиоваскуляр нейропатия (ДАКН) ни ўз ичига олган юрак-қон томир хавфларини даволаш ва профилактика усулларини самарадорлигини оширишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда болаларда қандли диабетнинг энг кенг тарқалган 1-турини эрта ташхислаш, даволашни такомиллаштириш ва профилактикасига қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, ДАКН клиник шакллари билан камдан-кам ҳолларда бўлишига қарамадан, ҚД 1-тури билан оғриган болаларда субклиник кечиши 16 дан 75% гача, бу текширилган аҳоли, ишлатилган усуллар ва диагностика мезонларига боғлиқ. Шунинг учун ДАКНни эрта ташхислаш алгоритми самарали усуллардан фойдаланишни ва ДАКН билан боғлиқ омилларни аниқлаш усулларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий ҳизматни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, болаларда қандли диабет касалликларни эрта аниқлаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштириш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда «... диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш, юқори сифатли тиббий хизматларни кўрсатиш, шу жумладан телетиббиётни жорий этиш ва ривожлантириш...»² каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада болаларда 1-тур қандли диабетнинг клиник-функционал белгиларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактиканинг самарали усулларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида

¹International Diabetes Federation. IDF Diabetes Atlas, 9th edn. Brussels, Belgium 2019

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори

олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 2 октябрдаги ПҚ-4847-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 19 апрелдаги ПҚ-4295-сон «2019 — 2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Европа адабиётлардаги маълумотларга кўра, қандли диабетнинг 1-тури билан бутун дунё бўйлаб 1 100 000 болалар касалланади, бунда йиллик ўсиш 128 900 нафарни ташкил қилади. Қандли диабет дунёдаги деярли барча мамлакатларнинг тиббиёт фани ва соғлиқни сақлаш тизими олдида турган устувор муаммолардан биридир (И.И. Дедов, ҳаммуаллифлар, 2017). Қандли диабет билан оғриган болалар ўртасида юрак-қон томир касалликлари учраши хавф омилларининг тарқалиши юқори эканлигини ва кўп ҳолларда бу омиллар ташхис қўйиш вақтида мавжудлигини кўрсатадиган кўплаб далиллар мавжуд (Flokas M.E., Zeymo A., Mete M., Anhalt H., Rother K.I., Gourgari E. 2020; Jones S., at all., 2019). Қандли диабет юрак-қон томир касалликлари хавфини икки баробар ортиши, юрак-қон томир касалликларидан бевақт ўлим ва ёшлар орасида барча сабабларга кўра ўлимнинг тўрт баробар ортишини ташкил этиши билан боғлиқ (Rawshani A., at all., 2018, Sarwar N., at all., 2010). Шу муносабат билан, ушбу ҳолатни ривожланишига олиб келадиган хавф омиллари масаласини ўрганиш муҳим бўлиб ҳисобланади.

Хорижий муаллифларнинг маълумотига кўра, қон-томир дисфункцияси диабетнинг ҳар иккала тури билан оғриган болаларда ҳам мавжуд ва атеросклерознинг муҳим сабабчиси ҳисобланади. Юрак қон томир билан боғлиқ ўлим даражаси, диабет касаллиги бўлган беморларда бир хил юрак-қон томир хавф омиллари бўлган беморларга нисбатан юқорироқ (Stankute I., at all., 2019). Кардиоваскуляр автоном нейропатия (КАН) периферик нейропатиянинг ривожланишига параллел равишда, дистал равишда бошланган ва проксимал равишда ривожланиб борадиган нейропатиянинг бир қисми сифатида пайдо бўлади. Диабет билан боғлиқ юрак-қон томир автоном нейропатия юрак ритмининг назорат қилишда бузилишларга, шунингдек марказий ва периферик қон томир динамикасидаги нуқсонларга сабаб бўлади (Шайдуллина, М.Р. соавт., 2013). Кардиоваскуляр автоном

нейропатия даражаси диабетнинг давомийлиги, гликемик назорат ва беморнинг ёшига боғлиқ. Диабетик автоном кардиоваскуляр нейропатиянинг (ДАКН) жадал ривожланиши балоғат ёшида ҳам учраши мумкин.

Ўзбекистон олимлари болалар орасида ҚД 1-тури билан оғриган болаларда юрак-қон томир асоратларини клиник-биокимёвий, инструментал ўзгаришларни ўз вақтида ташхислаш ва патогенетик жиҳатдан асосли коррекциялаш касаллик авж олишини, ҳамда болалар ногиронлигини камайтиришга ёрдам беради ва ёш авлоднинг фаол ва тўлақонли ҳаётини таъминлаш борасида илмий тадиқотлар олиб боришмоқда (Алиханова Н.М., 2017; Нагаева Г.А., Мамутов Р.Ш. 2018; Нурполатова С.Т., Акимова У.О. 2018; Дадабаева Н.А., Надирова Ю.И., Рамазанова Н.А. 2018) бироқ, қандли диабетнинг 1 тури билан касалланган болаларда ДКАНнинг клиник-функционал имкониятлари тўлиқ ва батафсил ўрганилмаган.

Юқорида айтилган муаммо долзарб бўлиб, шу муносабат билан болаларда ушбу касалликнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш чораларини такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ №01.980006703 «Болаларда туғма ва ортирилган касалликлар диагностикаси, даволаш ва профилактикаси» (2017-2020) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болаларда юрак-қон томир касалликларининг дастлабки маркерларини аниқлаш ва уларни прогнозлаш ва медикаментоз коррекциялаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

клиник-лаборатор ва инструментал тадқиқот усуллари асосида диабетнинг 1-тури билан оғриган болалар юрак-қон томир тизимидаги эрта ўзгаришлар хусусиятини аниқлаш;

қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болаларда миокардиодистрофиянинг эрта белгилари хусусиятларини аниқлаш;

қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болаларда диабетик автоном кардиоваскуляр нейропатия (ДАКН)ни юрак-қон томир тизими асоратларини ривожлантиришдаги ролини баҳолаш;

қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болаларда юрак-қон томир тизимининг ўзгаришларини эрта ташхислаш алгоритминини ишлаб чиқиш ва шу алгоритм орқали ДКАНни клиник кечувини баҳолаш;

қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болаларда оптималлаштирилган медикаментоз даволаш усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика иқтисослаштирилган эндокринология илмий амалий тиббиёт марказида 2017 йилдан 2020 йиллар давомида 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган 114 нафар беморлар, ҳамда 30 нафар соғлом болалар олинган.

Тадқиқотнинг предметини сифатида биокимёвий текширувлар учун периферик қон материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, биокимёвий (HbA1c, липопротеидлар, СК-МВ, hs CRP), инструментал (ЭКГ, Холтер ЭКГ, доплер ЭхоКГ) текшируви ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларда қандли диабетнинг 1-турида миокард зарарланишининг клиник белгилари, лаборатория ва инструментал маълумотлари хусусиятлари исботланган;

қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болаларда hs CRP индикаторининг қон таркиби ва кардиоцесифик маркер СК-МВ кўрсаткичлари асосланган;

қандли диабетнинг 1-тури асоратлари ривожланиши учун хавф омиллари аниқланган (касаллик давомийлиги (хавф 0.622), ВСР камайиши (хавф 0.565), шунингдек липид профили кўрсаткичлари (хавф 0.523), СК-МВ кўрсаткичлари (хавф 0.543), hs CRP (хавф 0.5), HbA1c (хавф 0.449)), бу касаллик давомийлиги, ёши, HbA1c даражаси, шунингдек, СК-МВ, hs-CRP - профили кўрсаткичлари исботланган;

кардиомиоцитлар энергетик танқислигини коррекциялаш бўйича тавсиялар асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болаларда ДАКНни ташхислаш ва юритиш алгоритми эрта ташхис қўйиш самарадорлигини ошириш ва асоратлар юзага келишининг олдини олиш тартиби асосланган;

преклиник босқичда ДАКН ташхисида кундалик юрак тезлиги мониторингининг максимал информацион қиймати очиб берилган;

С-реактив оксил параметрларининг ошиши қон томир шикастланишининг дастлабки омили ва МВ креатинин фосфокиназасининг ошиши кардиомиоцитлар шикастланишининг омили сифатида эканлиги очиб берилган;

1-тур қандли диабет билан касалланган болаларда ДКАНни даволашда янги ёндашувлари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти назарий тиббиёт учун муҳимдир, чунки у клиник-функционал, биокимёвий маълумотларни баҳолаш орқали қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болаларда юрак-қон томир асоратларини

ривожлантиришнинг патогенетик механизмларини очиб беради ва республикада чуқур тадқиқотларни давом эттириш учун асос бўлиши мумкин. Олинган маълумотлар қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болаларда ДАКНни даволашни яхшилаш учун қўшимча диагностика мезонларини такомиллаштиришнинг исботланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, метоболик препарат ёрдамида қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болаларда юрак-қон томир асоратларининг олдини олиш усуллари ишлаб чиқилди. Левокарнитинни қандли диабетнинг 1-тури билан ДАКНли беморларни комплекс даволашга киритиш касалликнинг клиник кечишига ижобий таъсир кўрсатиб, касалликнинг қулай кечишига ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. 1-тур қандли диабет билан касалланган болаларда ДКАНнинг диагностикаси ва уни даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

1-тур қандли диабет билан оғриган болаларда асоратларни эрта ташхислаш, алгоритмларидан фойдаланиш орқали амалга оширилган илмий натижалар асосида “Қандли диабетли болаларда юрак бузилишларини эрта ташхислашда лаборатор маркерларнинг аҳамияти” (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги №-8 н-р/675 сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома МВ креатининфосфокиназани қон зардобида аниқлаш асосида 1-тур қандли диабет билан оғриган болаларда асоратларни эрта ташхислаш учун зарур чораларни амалга ошириш имконини берган;

1-тур қандли диабет билан оғриган болаларда клиник белгиларини эрта ташхислаш орқали амалга оширилган илмий натижалар асосида “Қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болаларда диабетик кардиоваскуляр нейропатиянинг клиник жиҳатлари” (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2020 йил 31-декабрдаги №-8 н-р/676 сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болаларда диабетик автоном кардиоваскуляр нейропатияда клиник, функционал ва метаболик ўзгаришларни ўрнатиш ва аниқланган ўзгаришларни такомиллаштириш имконини берган;

1-тур қандли диабет билан касалланган болаларда ДКАНнинг клиник-функционал кечиш хусусиятларига асосланган ҳолда ташхислаш ва даволаш тартибини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Қашқадарё вилояти китоб туман тиббиёт бирлашмасининг клиник фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2021 йил 2-февралдаги №-8 н-д/52 сонли маълумотномаси) Олинган тадқиқот натижалари клиник амалиётга жорий қилиниши орқали 1 тур қандли диабет билан касалланган болаларда юрак қон томир тизими зарарланиши ноҳуш оқибатларини эрта ташхислаш ва прогнозлаш, ҳамда ДКАН каби асоратлар сонининг ҳамда

касаллик оқибатлари билан боғлиқ ногиронлик даражасини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 29 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 10 та республика, 2 та хорижий, 1 та Scopus журналида мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети шакллантирилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болаларда юрак-қон томир касалликларининг замонавий кўриниши (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болаларда юрак-қон томир касалликларининг ривожланиши ҳақидаги замонавий маълумотларга оид мунозарали масалаларни акс эттирувчи илмий манбалар тақдим этилган. Левокарнитиннинг роли ва аҳамияти аниқланган, эндотелиал дисфункциянинг хусусиятлари ва ДАКН ривожланиши берилган, қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болаларда юрак-қон томир касалликларини даволашнинг замонавий усуллари акс эттиришни талаб қилади.

Диссертациянинг **“Тадқиқот қилинган беморларнинг ҳолати ва қўлланиладиган тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари тасвирланган. Қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган 114 бемор билан текширилган. Қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болалар тадқиқот гуруҳларига бўлинди. Кардиоваскуляр асоратларни ривожланишига таъсир муддати қандли диабетнинг қуйидаги гуруҳларнинг шаклланиши билан баҳоланди: I –

гуруҳ ҚД 1-турининг давомийлиги 0,5 дан 5 йилгача (n=65), II-гуруҳ 5 касллик давомийлиги 5 йилдан ортиқ (n=49). Назорат гуруҳини бир хил ёшдаги 30 деярли соғлом болалар ташкил этди. Тадқиқот республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ўтказилди.

Гуруҳлар ёшга қараб қўшимча равишда шакллантирилди. Қандли диабетнинг 1-тури билан барча беморлар ЭКГ, ЭхоКГ, Допплер ЭхоКГ, шу жумладан, тўлиқ клиник ва лаборатория кўригидан ўтказилди. Холтер ЭКГ мониторинги «КардиоСенс CS» (Харьков 2014) аппаратида 57 нафар беморларда, ҳар иккала тадқиқот гуруҳида ва назорат гуруҳидаги 15 нафар соғлом болалар учун ўтказилди. Тадқиқотлардан сўнг ДАКН диагностикаси амалга оширилди, қон липидлари текширилди, кардиал маркерлар (СК-МВ), юқори сезгирликка эга С-реактив оксил фракцияси, гликирланган гемоглобин (HbA1c) даражаси Cobas с 311 Hitachi-Roshe (Германия 2018) аппаратида аниқланди. Юрак-қон томир касалликлари билан боғлиқ ДКАН даволашнинг самарадорлигини баҳолаш комплекс даво таркибига метаболик препарат «Левокарнитин» 200-300 мг суткада 1 ой давомида қўлланилгандан сўнг иккинчи курс даво муалажасидан сўнг 6 ойдан кейин баҳоланди.

Натижаларни статистик қайта ишлаш Microsoft Office Excel-2010 пакетида ишлаб чиқилган дастур томонидан амалга оширилди. Статистик усуллар намунавий ўртача (M), стандарт ўртача (m) хато, корреляция коэффициенти (r) ни аниқлашни ўз ичига олган. Статистик тўпламлардаги фарқларнинг ишончилиги Стьюдент (t) мезонлари бўйича турли хил фарқлар учун параметрик усуллар билан амалга оширилган.

Диссертациянинг **“Қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болаларининг клиник-функционал тадқиқотлар натижалари”** деб номланган учинчи бобида ўтказилган тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинди, клиник ва функционал тадқиқотлар олиб борилди, натижада қандли диабетнинг 1-тури билан текширилган болаларнинг умумий тавсифи берилди. 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ва касаллик давомийлиги 0,5 дан 14 ёшгача бўлган 114 нафар болалар, улардан 69 нафари (60,5 %) қиз ва 45 нафари (39,5 %) ўғил болаларни ташкил этди. Ўртача касаллик давомийлиги 4.7 ± 3.68 йилни ташкил этди. Турли ёш гуруҳлари жинсий жиҳатдан таққосланганда, биринчи ва иккинчи гуруҳларда қизлар устунлик қилдилар. Тадқиқотларнинг энг катта қисми 10-14 ёшдаги болалар эди - биринчи гуруҳда 46,7% ва иккинчи гуруҳда 49% бўлган балоғат даври устунлик қилди.

Тадқиқот гуруҳларида беморларнинг ўртача ёши биринчи гуруҳда $11,8 \pm 4,5$ ёшни ва иккинчи гуруҳда $14,5 \pm 3,3$ ёшни ташкил этди. Касаллик давомийлиги 5 ёшгача бўлган болалар орасида қизлар 60% ни ва ўғил болалар 40% ни, 2 гуруҳда эса қизлар 61,2% ва ўғил болалар 38,8% ташкил этди. Ҳар икки гуруҳда ҳам қизлар сони 1,5 баробар кўп

эди. 1 гуруҳда қандли диабетнинг 1-тури касаллигининг ўртача давомийлиги $2,2 \pm 3,5$ йил, 2 гуруҳда эса $8,3 \pm 4,2$ йил эди. HbA1c нинг ўртача кўрсаткичларини ўрганишда болалар гуруҳларида статистик аҳамиятга эга бўлмади (8,5 ва 10,6% мос равишда).

Юрак қон- томир тизимини ҳолатини клиник баҳолашда беморларнинг аксариятида шикоят юрак қон- томир тизимига нисбатан шикоят кузатилмаган аммо уларнинг баъзилари мақсадли текширувда 1-гуруҳда 17,5%, 2-гуруҳда 22% болаларда тез чарчокни қайд этган. 1-гуруҳда 20%, 2-гуруҳда 22% болаларда эмоционал лабиллик. 1-гуруҳда 18% да 2-гуруҳда 21% болалар юрак соҳасида оғриққа шикоят қилган.

Объектив текширув натижасида 1-гуруҳдаги болаларда юрак нисбий бўғиқлик чегараси ёшига нисбатан нормада эди, 2-гуруҳдаги 4% болаларда эса юрак нисбий бўғиқлик чегараларини кенгайтиши қайд этилди. Юрак уриш сони 1-гуруҳда 25% ва 2-гуруҳда 30% болаларда тахикардия кузатилди. 1- гуруҳ болаларида 18% ҳамда 2-гуруҳ болаларида 20% юрак уриш тезлигининг пасайиши-брадикардия кузатилди. 1-тонни юрак чўққисида пасайиши 18% 1-чи гуруҳда ҳамда 2-гуруҳда 20% кузатилди. Юрак чўққисида ҳамда юрак эшитишнинг 5-нуктасида майин функционал характерга эга систолик шовкин 1-гуруҳ болаларида 12%, ҳамда 2-гуруҳ болаларида 20% ни ташкил этди. Систолик ва диастолик қон босимининг индивидуал баҳолаш натижалари бўйича болаларда артериал гипертензия ҳолати қайд этилмаган. Шундай қилиб, юрак-қон томир тизимидаги умумий клиник ўзгаришлар носпецефик ҳисобланиб, улар ёрдамида юрак-қон томир тизимидаги асоратларни аниқлашда кам информатив ҳисобланади, бу эса ўз ўрнида махсус замонавий текширув усулларини тадбиқ қилиш лозимлигини кўрсатади.

Касаллик давомийлиги 5 йилгача бўлган болаларда нопролифератив ретинопатия яқка ҳолатда (13,8%), шунингдек, сенсор -мотор полинейропатия (41,5%) ҳолларда аниқланди, қиз болаларда (9,6%) ни ташкил қилди, шунингдек, хайропатия ҳолати (15,3%) аниқланди. Келажакда қандли диабетнинг давомийлиги ортиши билан унинг сурункали асоратлари тарқалиши кескин ортади. ҚД1 нинг 5 йилдан ортиқ давом этиши 1-гуруҳга нисбатан сенсор-моторли полиневропатиянинг (79.5% гача) ортишига олиб келди. Проллифератив бўлмаган босқичда ретинопатия олдинги гуруҳга нисбатан частотаси бўйича (32.6%) ошди. МАУ босқичидаги нефропатия гуруҳлар орасида биринчи марта 10,2% ҳолатда аниқланган. Хайропатия билан касалланиш эса олдинги гуруҳларга нисбатан 26,5% га ошган. Шундай қилиб, давомийлиги 5 йилгача бўлган ҚД 1нинг 1 кишига тўғри келадиган асоратлари сони 1.5ни ташкил этди. Бу далил баъзи беморларнинг бир нечта асоратлари борлиги билан изоҳланади.

Диссертациянинг “Қандли диабетнинг 1-тури сурункали асоратлари ва болаларда автоном кардиоваскуляр нейропатия учун

хавф омиллари” деб номланган тўртинчи бобида тадқиқот натижаларига кўра, қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болалар гуруҳларида юқори сезгирликка эга С-реактив оқсил фракциясининг сезиларли ўсиши кузатилганлиги келтирилади, бу эса ўз навбатида асептик яллиғланиш жараёнлари мавжудлигини кўрсатади.

1-жадвал.

Қоннинг липид кўрсаткичи

Кўрсаткичлар	1 гр (N=65)	2гр(N=49)
HbA1c (%)	8,5	10,6
Умумий холестерин (ммоль/л)	4,2± 0,7	4,5 ± 0,6
Тригециридлар (ммоль/л)	1,3± 0,2	1,6± 0,3
Юқори зичликка эга липопропротеидлар (ммоль/л)	1,7± 0,4	1,4 ± 0,3
Паст зичликка эга липопропротеидлар (ммоль/л)	1,9± 0,5	2,4 ± 0,5
hs-CRP (мг/л)	0,9±0,13*	3,2± 0,8*
СК-МВ(Е/л)	28±10,1	32±12,2
* ҚД билан оғриганларда кўрсаткичлар ишончлилиги. p<0,01		

Қиёсий таҳлил давомида қуйидаги маълумотлар олинган. Биринчи гуруҳ 65 нафар болаларда (57%) СРБ - реактив оқсилнинг ўртача кўрсаткичи 0,9±0,13 мг/л, СК-МВ ўртача кўрсаткичи 28±10,1 Е/л, гликирланган гемоглобин ўртача кўрсаткичи 8,5%, ўртача умумий холестерин миқдори 4,2± 0,7 ммоль/л, ўртача триглицерид миқдори 1,3± 0,2 ммоль/л, ўртача юқори зичликдаги липопротеидлар миқдори 1,7±0,4 ммоль/л, ўртача паст зичликли липопротеидлар миқдори 1,9±0,5ммоль/л, дислипидемия мавжудлиги 32% ташкил этди.

Қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган иккинчи гуруҳдаги 49 нафар болаларда (43%) СРБ реактив оқсилнинг ўртача кўрсаткичи 3,2±0,8 мг/л, СК-МВ ўртача кўрсаткичи 32±12,2 Е/л, гликирланган гемоглобин ўртача кўрсаткичи 10,6%, ўртача умумий холестерин миқдори 4,5±0,6 ммоль/л, ўртача триглицерид миқдори 1,6±0,3 ммоль/л, ўртача юқори зичликдаги липопротеидлар миқдори 1,4±0,3 ммоль/л, ўртача паст зичликдаги липопротеидлар миқдори 2,4±0,5ммоль/л, дислипидемия мавжудлиги 46% ташкил этди.

Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиб, атероген таъсир қон томир деворларининг секин яллиғланиши туфайли амалга оширилган гликирланган гемоглобин индексининг ошиши ҳисобига амалга оширилади, деб хулоса қилиш мумкин.

Қандли диабетнинг 1-туридаги (r =0.45; p <0.01) бўлган болаларда тадқиқотларнинг иккала гуруҳида ва гликирланган гемоглобиннинг жуда сезгир СРО фракцияси кўрсаткичи ўртасида статистик жиҳатдан ишончли боғлиқлик топилди.



1 расм. Юқори сезувчанликка эга СРО ва гликирланган гемоглобиннинг касаллик давомийлиги билан боғлиқликлари

Корреляцион таҳлил маълумотларига асосланиб, инсулинга чидамлилик ва эндотелиал дисфункция ўртасида ижобий муносабатлар мавжудлигини тахмин қилиш мумкин, бу қандли диабетнинг 1-туридаги давомийлиги билан ортади. Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқот қандли диабетнинг 1-турида аниқланган склерознинг хавф омиллари: инсулинга чидамлилик, дислипидемия, С-реактив оқсилли шамоллаш маркерининг юқори миқдори кейинчалик қон-томир асоратлари ривожланиши кучаядиган макро ва микротомирли ўзгаришларга олиб келади. Тадқиқотнинг хулосаси, эндотелиал дисфункция ва атеросклероз, ҚДнинг 1-тури билан оғриган болаларда касалликнинг эрта босқичида бошланади деган гипотезани тасдиқлайди. Эндотелиал дисфункцияни кўрсатувчи белгилар метаболик назорат билан бевосита боғлиқ бўлмаса-да, уларнинг оғирлиги касалликнинг давомийлиги билан ортади. ҚДнинг 1-тури билан оғриган болаларда юрак-қон томир касалликларининг эрта ташхислаш учун, hs-CRP биокимёвий маркер сифатида фойдаланиш мумкин.

Стандарт ЭКГ тадқиқотга кўра, ҚД билан оғриган 1-ва 2-гуруҳлардаги беморларда 73,7% ҳолатда патологик ўзгаришлар аниқланди. Иккинчи гуруҳда биринчи гуруҳ ва назорат гуруҳига нисбатан қуйидаги кўрсаткичларнинг ишончли ортиши кузатилди: (33%) синусли тахикардия, қоринчалар эрта реполяризацияси синдроми (30%), атриовентрикуляр ўтказувчанлик бузилиши (15%), қоринча электрик систоласининг нормага нисбатан 0,05-0,07" узайиши (17%), кам волтажли QRS (16 %) болаларда кузатилди.

Корреляцион таҳлил жараёнида умуман реполяризация жараёнларининг бузилиши ва диабетнинг давомийлиги ўртасида ижобий корреляцион боғлиқлик ўрнатилди, (корреляция коэффициенти $r=0.553$ га тенг эди). Тахикардияни рўйхатга олиш частотасини таҳлил қилишда мос равишда ижобий муносабатлар қайд этилди ($r=0.478$). QT интервалининг узайиши миокард электрик беқарорлигининг белгиси бўлиб, у ҳаётга хавф солувчи қоринчалар аритмиясининг ривожланиши учун асос ҳисобланади.

Шундай қилиб, касаллик давомийлиги ортиши ҳамда углевод алмашинуви декомпенсацияси пайдо бўлиши билан ЭКГ даги қуйидаги ўзгаришлар: синусли тахикардия, реполяризация жараёни бузилиши сони ортиши кузатилди.

Миокард дистрофияси эрта белгиларини аниқлаш учун чап қоринчада доплер ЭхоКГ ўтказишда 20% текширилганларда қон оқими босқичлари фазалари нисбати қиймати асосида диастолик тўлдирилишда чап қоринча ≤ 1.0 диастолик дисфункцияси аниқланди. Чап қоринча диастолик дисфункцияси бор касалларда юрак морфометрик кўрсаткичлари тахлили асосида, миокард массасининг ортиши, қоринчалар аро тўсиқ кенгайиши, чап қоринча орқа девори кенгайиши, охириги диастолик миқдор камайиши, диастолик ригидликнинг ортиши ва миокард гипертрофиясига олиб келади.

2- жадвал.

Қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болалар гуруҳида юрак ичи гемодинамикаси ва трансмитрал диастолик оқими

Кўрсаткич	1 гуруҳ (n=65)	2 гуруҳ (n=49)	Назорат гуруҳи (n=30)
Юрак уриш сони /мин	87,21±1,34	92,30±2,40	71,81±2,90*** ^^^
КДР, см	4,18±0,5	4,99±0,5	4,28±0,2
КСР, см	2,41±0,15* ^{^^}	2,57±0,16	2,83±0,12
КДО мл/м	71,21±1,18	70,05±1,04	78,86±1,45*** ^^^
КСО, мл	26,58±2,45	29,54±1,31	26,5±1,25
ММ	89±1,6	94±2.0* [^]	80±1,5*** ^{^^^}
ТМЖП мм	6,7±0,4	7,1±0,5	6,1±0,3
УО, мл/м	43,6±2,0*** ^{^^}	37,7±1,3*** [^]	34,2±0,9*** ^{^^^}
КДИ, мл/м	63,2±2,5*** ^{^^}	55,2±1,9*** [^]	56,5±1,2
ОПСС, дин. С. См	1620±72	1840±70* [^]	1766±60
Ve, м/сек	0,88±0,02	0,9±0,01* [^]	0,85±0,01** ^{^^^}
Va, м/сек	0,36±0,01*** ^{^^}	0,46±0,02*** [^]	0,45±0,01
Ve/Va	2,5±0,07*** ^{^^}	1,95±0,07*** [^]	1,88±0,02
Чап қоринча ФВ	69±1,5%	60±2,5%*** [^]	65±2,8%

*- ишончлилиқ фарқи $p < 0,05$;

** - ишончлилиқ фарқи $p < 0,01$;

*** - ишончлилиқ фарқи $p < 0,001$;

[^] – текширилаётган гуруҳлар орасидаги фарқ;

^{^^} – Назорат гуруҳи ва 1 гуруҳ орасидаги фарқ;

^{^^^} – Назорат гуруҳи ва 2 гуруҳ орасидаги фарқ;

^{^^^} – Назорат гуруҳи ва гуруҳлар орасидаги фарқ.

Марказий гемодинамик кўрсаткичлар 1-гуруҳидаги беморларда юрак уриш тезлиги (88 дақиқа давомида, назорат гуруҳида эса 71 дақиқа давомида, $p < 0,001$) ортиши фонида УО нинг ($43,6 \pm 2,0$ мл, назорат гуруҳида эса $34,2 \pm 0,9$ мл, $p < 0,001$) кўтарилиши кузатилган. Тадқиқотнинг иккинчи гуруҳидаги болаларнинг 77 %да марказий гемодинамиканинг гиперкинетик тури аниқланди ($p < 0,001$ бошқа гуруҳ беморларига нисбатан қандли диабетнинг 1-тури олинганда)

Шу билан бирга, 1-гуруҳидаги беморларда чап қоринча фракциясининг кўрсаткичи қайд этилди (1-гуруҳда, 69 %, назорат гуруҳида 65 %). Индивидуал таҳлилда, 1-гуруҳидаги болаларнинг фракция ҳайдаш кўрсаткичи ($p < 0,01$, қандли диабетнинг 1-тури бошқа гуруҳларидаги беморларга нисбатан) 69 %ни ташкил этиб миокард чап қоринчаси қисқарувчанлиги ортишини кўрсатган.

Қон айланишининг компенсацияси, миокард метаболизми ўзгаришида, назорат гуруҳидаги ($65 \pm 2,8\%$). болаларга нисбатан 1-гуруҳда қон ҳайдаш фракциясининг ортиши ҳисобига ($69 \pm 1,5\%$), ва 2-гуруҳда қон ҳайдаш фракциясининг камайиши ($60 \pm 2,5\%$) ҳисобига миокард гипокинетик синдроми пайдо бўлади.

1-гуруҳида ишончли ($71,21 \pm 1,18$ мл $78,86 \pm 1,45$ мл назорат гуруҳига солиштирилганда) ва 2-гуруҳида ($70,05 \pm 1,04$ мл) - текширилган беморларда чап қоринча охириги диастолик ҳажмининг (КДО) пасайиши кузатилди. Қандли диабет билан оғриган беморларда чап қоринча диастолик ҳажми камайиши, миокард диастолик ригидлиги ортиши билан исботланади, бу эса юрак мушаклари бўшашишида иштирок этувчи актив метоболик жараёнлар бузилиши ҳисобига келиб чиқади (миокард миозини ва актомиозинда калций билан боғлиқ бўлган АТФ-активлиги камаяди).

Касаллик давомийлиги 1 йилдан 5 йилгача бўлган болаларда кечки чап қоринча диастолик тўлиши (V_a) камайганлиги ҳамда эрта чап қоринча диастолик тўлиши (V_e) ўзгармаганлиги аниқланди, бунда V_e/V_a , $2,5 \pm 0,07$ нисбати кўтарилди. қандли диабетнинг 1-тури касаллик давомийлиги 5 йилдан юқори бўлган болаларда кечки чап қоринча диастолик тўлиши (V_a) ортгани аниқланди бунда V_e/V_a $2,13 \pm 0,1$ нисбати пасайди. Касаллик давомийлиги ва фракция ҳайдаш кўрсаткичи ўртасида юқори тесқари корреляцион боғлиқлик аниқланди ($r = -0,845$). Муаллифларнинг фикрига кўра, бу ўзгаришлар юрак қон- томир тизими адаптациян механизми кескинлигини кўрсатади.

Тадқиқот гуруҳларида қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болаларда Холтер мониторингини ўтказиш натижасида олинган маълумотларни таҳлил қилиш натижасида юрак фаолиятини вегетатив қўллаб-қувватлаш касалликнинг давомийлиги ва оғирлигига боғлиқ. Вақтинчалик юрак уриш тезлиги кўрсаткичларини таҳлил қилиш ($pNN50$, $rMSSD$) ушбу тоифадаги беморларда синус тугунининг парасимпатик таъсирларга нисбатан сезгирлиги пасайиб, кардиоваскуляр

автоном нейропатия ташхисини тасдиқлади.


3-жадвал.

Қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болаларда касаллик давомийлигига кўра юрак ритми вариабиллиги кўрсаткичи

Кўрсаткичлар	1 гуруҳ (n=31)	2 гуруҳ (n=26)	Назорат гуруҳи (n=15)
pNN50, (умумий ўртача) %	27,5±1,8	17,3±2,1** [^]	28,8±1,0
pNN50, (ўртача кундузги) %	18,9±1,9	9,6±1,4** [^]	19,5±2,1
pNN50, (ўртача тунги) %	41,3±2,5	27,2±3,5** [^]	43,1±2,0
rMSSD, (умумий ўртача) мс	54,3±3,0	39,9±3,7** [^]	54,9±3,5
rMSSD, (ўртача кундузги) мс	42,5±3,1	29,2±2,5** [^]	43,1±3,7
rMSSD, (ўртача тунги) мс	72,3±4,2	54,4±6,2* [^]	73,9±3,5
ДКАН	7 (16 %)	7 (34,6%)	-
<p>*- ишончлилик фарқи p<0,05; **- ишончлилик фарқи p<0,001; ^ –Гуруҳлар орасидаги фарқи.</p>			

Шундай қилиб, pNN50 нинг умумий ўртача, ўртача кундузги ва ўртача кечки кўрсаткичлари (RR интервалларидаги фарқлар эпизодларининг фоиз кўрсаткичи 50 м секунддан кўпроқ) 5 йилдан ортиқ касаллик давомийлиги бўлган болаларда сезиларли даражада камроқ эди, бу эса синус тугунининг қандли диабетнинг давомийлиги юқори бўлган болаларда парасемпатик таъсирларга сезувчанлигини пасайишини кўрсатади. Холтер мониторинг маълумотларига кўра ҚДнинг 1-тури билан оғриган болаларда синус тугунининг парасемпатик таъсирга нисбатан сезувчанлиги 1-гуруҳда 16 % ва 2-гуруҳда 34,6% камайганлиги аниқланди, бу эса бу диабетик кардиоваскуляр автоном нейропати (ДАКН) ташхисини тасдиқлади.

Қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болаларда юрак-қон томир асоратлари учун хавф омилларини аниқлаш учун мақсадли майдон ва бир ёки бир нечта предикторлар ўртасида чизиқли муносабатларни ўрнатиш орқали амалга оширилаётган автоматлаштирилган чизиқли моделлаштириш амалга оширилди. Автоматлаштирилган чизиқли моделлаштириш маълумотларига кўра, касалликнинг давомийлиги, паст ВСР кўрсаткичлари, СК-МВ, hs-CRP кўрсаткичи энг катта аҳамиятга эга эканлиги аниқланди.



2 расм. Юрак қон- томир тизими асоратларининг хавф омиллари

Шундай қилиб, юрак ритми вариабеллиги пасайиши ва ДАКН келиб чиқишида ўрганилган омиллар ичида юқори аҳамиятга эга бўлганлари қуйидагилар.

Қандли диабетнинг 1-тур касаллик давомийлиги ҚД 5 йилдан ортиқ бўлиши (0,622 хавфи);

ЮРВнинг паст кўрсаткичлари (0,565 хавфи);

дислипидемия мавжудлиги (0,523 хавфи);

СК-МВ кўрсаткичини ортиши (0,543 хавфи);

hs-CRP кўрсаткичининг ортиши (0,5 хавфи);

НбА1с нинг 7,5 % ортиши (0,449 хавфи);

Қолган кўрсаткичлар ДАКН ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатмади ва дастур томонидан ушбу асоратнинг хавф омиллари сифатида ажратилмаган.

Юқорида айтилганларнинг барчаси қандли диабетнинг сурункали асоратлари учун хавф омиллари ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради (касалликнинг давомийлиги, ВСР, НбА1с, шунингдек, липид профилининг кўрсаткичлари, МФ-КФК, hs-CRP, НбА1с кўрсаткичлари).

Тадқиқот давомида 1-тур қандли диабет билан оғриган ДАКН аниқланган беморларда метаболик препарат левокарнитиннинг таъсирини қиёсий баҳолаш амалга оширилди. Ушбу препаратнинг таъсирини баҳолаш учун левокарнитин билан даволанган ва уни олмаган болаларда динамикада, лаборатор, ва эхокардиографик кўрсаткичлар таҳлил қилинди. Юрак мушагининг ишлаш кўрсаткичларини нормаллаштиришнинг ўртача муддатлари аниқланди.

1-гурух ДАКН аниқланган 7 нафар бола анъанавий усулда даволанди (Пиридоксин гидрохлорид 5%-1 мл, Тиамин хлорид 5%-1 мл, Пирацетам 20%-5мл). 2-гурух ДАКН аниқланган 7 нафар бола анъанавий усулда

даволанаётганда ва левокарнитин кўшилганда ((2% эритма) 200-300мг 2 маҳал 1 ой давомида).

Барча болаларга терапевтик курсдан олдин ва даволаниш тугаганидан кейин 6 ой сўнг қон липид кўрсаткичи ва ЭхоКГ текшируви ўтказилди. Ўтказилган кардиометаболик даводан сўнг ноҳўя таъсирлар кузатилмади. Гемодинамик кўрсаткичлар (юрак уриш тезлиги, қон босими) кузатув даврида барқарор бўлиб турди.

Левокарнитин билан ўтказилган даволаш натижаларига кўра, антиатероген холестерин юқори зичликка эга липопротеидни кўпайиши (1.1 ± 0.5 ммоль/л дан мос равишда 1.29 ± 0.5 га 1.16 ± 0.4 ммоль/л га қарши), шунингдек триглицеридларни кўрстагичлари пасайиши ҳам аниқланди (1.4 ± 0.5 дан 1.25 ± 0.2 ммоль/л га 1.3 ± 0.4 ммоль/л га қарши).

5- жадвал.

Диабетик кардиопатия билан оғриган болаларда даволаниш фонида эхкокардиографик ўзгаришларнинг қиёсий хусусиятлари

Кўрсаткич	1 гуруҳ метаболик даво кўлланилишисиз	2 гуруҳ метаболик даво кўлланилиши билан
Ve, м/сек	$0,89 \pm 0,02$	$0,81 \pm 0,01$
Va, м/сек	$0,44 \pm 0,01$	$0,37 \pm 0,01$
КДИ мл/м	$68,8 \pm 0,85$	$73,6 \pm 0,57$
Чап қоринча миокард массаси г	$92 \pm 1,63$	$80,8 \pm 0,75$
ТМЖП мм	$6,8 \pm 0,11$	$6,5 \pm 0,11$
ФВ%	$57 \pm 0,81$	$61,9 \pm 1,33$

Шундай қилиб: миокардиал ўзгаришлар бўлган болаларда левокарнитин энерготропик терапиядан фойдаланиш самарадорлиги трансмитрал диастолик оқимнинг нормаллашиши (Ve $0,81 \pm 0,01$ м/сек назорат гуруҳига нисбатан $0,89 \pm 0,02$ м/сек) чап қоринча кечки диастолик тўлиши тезлигининг пасайиши ҳисобига (Va $0,37 \pm 0,01$ м/сек назорат гуруҳига нисбатан $0,44 \pm 0,01$ м/сек) амалга оширилди. Бундан ташқари, энерготроп терапия олган болаларда чап қоринча диастолик тўлиши яхшиланиши охириги диастолик индекс кўтарилиши ҳисобига амалга оширилди ($68,8 \pm 0,85$ мл/м назорат гуруҳида эса $73,6 \pm 0,57$ мл/м), бундан эса диастолада чап қоринча миокарди ригидлигини камайганлигини тахмин қилиш мумкин. Шу билан бирга чап қоринча миокарди массаси камайганлиги ($92 \pm 1,63$ г назорат гуруҳида эса $80,8 \pm 0,75$ г), қоринчалар аро тўсиқ қалинлиги камайганлиги ($6,5 \pm 0,11$ мм назорат гуруҳида эса $6,8 \pm 0,11$ мм) кузатилди. Чап қоринча систолик функцияси ўзгарган болаларда миокард қисқариш хусусияти кўрсаткичларининг ижобий динамикаси аниқланди (ФВ ва $61,9 \pm 1,33\%$, назорат гуруҳида эса $57 \pm 0,81\%$).

Олинган маълумотларни таҳлил қилиб, метаболик ўзгаришлар қандли диабет билан оғриган болаларда кардиоваскуляар асоратларни

ривожланишининг патогенетик механизмларидан бири эканлиги ҳақида хулоса қилса бўлади. Левокарнитин препаратини қўллаш энергия алмашинувини тартибга солишга имкон беради ва қандли диабет билан оғриган болаларда автоном кардиоваскуляр нейропатиянинг ривожланишининг олдини олишга самарали ёрдам кўрсатади.

ХУЛОСА.

«Қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болаларда юрак-қон томир бузилишларини прогнозлаш ва уларни коррекциялаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертация тадқиқотлари натижасида қуйидаги хулосалар олинди:

1. Қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болаларда юрак-қон томир тизмидаги умумий клиник ўзгаришлар носпецефик ва кам информатив ҳисобланади. 1-тур қандли диабет касаллик давомийлиги ва электрокардиограмма маълумотлари: реполяризация ($r=0,553$), ҳамда тахикардия ($r=0,478$), ўртасида тўғри корреляцион боғлиқлик аниқланди, бу эса 1-тур қандли диабет билан касалланган болларда юрак-қон томир тизими ўзгариларида прогностик аҳамиятга эга.

2. Қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болаларда доплерэхокардиографик ўзгаришлари кечки диастолик оқими тезлиги (V_a), ортиши ва V_e/V_a нисбати пасайиши аниқланди. Шунингдек 1-тур қандли диабет касаллик давомийлиги ва фракция ҳайдаш кўрсаткичи ($r= -0,845$) ўртасида тескари корреляцион боғлиқлик аниқланди.

3. Холтер ЭКГ мониторингини маълумотларига кўра, юрак ритмининг ригидлиги аниқланди, синус тугунининг касаллик оғир кечуви ва давомийлиги 5 йилдан ортиқ бўлган болаларда парасимпатик нерв тизимининг таъсирига сезувчанлиги камайганлиги аниқланди ва бу эса ДАКН нинг дастлабки белгиларидан бири бўлгани аниқланди. Диабетик автоном кардиоваскуляр нейропатия юрак-қон томир тизимининг прогностик омиллари: касаллик давомийлиги (хавф 0,622), ЮРВ пасайиши (хавф 0,565) аниқланди.

4. МВ креатинин фосфокиназа ва hs-CRP даражаси юрак асоратлари предикторлари сифатида қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган болаларда касалликнинг давомийлиги сезиларли даражада ошди ҳамда улар ўртасида тўғри корреляцион боғлиқлик ($r=0,45$). аниқланди. Бу эса ўз ўрнида номақбул компенсатор механизмда юрак қон- томир тизими асоратлари ривожланишидан далолат беради ҳамда 1 тур қандли диабет билан касалланган болаларда юрак қон томир тизими ўзгаришларининг прогностик омили ҳисобланади.

5. Қандли диабетнинг 1-тури билан оғриган ва ДАКН аниқланган болаларда комплекс даво таркибида левокарнитинни қўллаш қон липид кўрсаткичининг нормаллашуви ва доплер ЭхоКГ да эса трансмитрал диастолик оқим тезлигининг нормаллашуви билан исботланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ПЕДИАТРИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

САДИРХОДЖАЕВА АЗИЗАХОН АЛАВИТДИНОВНА

**ПРОГНОЗИРОВАНИЕ СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТЫХ НАРУШЕНИЙ У
ДЕТЕЙ С САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ 1 ТИПА И ИХ КОРРЕКЦИЯ**

14.00.09 – Педиатрия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.1.PhD/Tib756

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.
Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tashpmi.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz

Научный руководитель:

Ашурова Далфуза Ташнулатовна
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты:

Шамансурова Эльмира Амануллаевна
доктор медицинских наук, профессор

Шамсиев Фуркат Мухитдинович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

Центр развития профессиональной квалификации
медицинских работников

Защита диссертации состоится «25» ноября 2021 г. в 13⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте. (Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, дом 223. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за № 540). Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богишамол, дом 223. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14.

Автореферат диссертации разослан «6» ноября 2021 года.
(Реестр протокола рассылки № 8 от «6» ноября 2021 года).

А.В. Алимов
Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

К.Н. Хантев
Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней доктор медицинских наук, доцент

Д.Н. Ахмедова
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, профессор



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире отмечается рост заболеваний сахарного диабета (СД) среди детского населения, которое является одной из наиболее важных и сложных проблем в мире современной медицины, что обусловлено его широким распространением, клиническим полиморфизмом и тяжестью осложнений. По данным Всемирной Федерации Диабета (IDF), «...в настоящее время насчитывается порядка 463 миллионов людей с СД, что более чем втрое больше по сравнению с 1990 годом, с прогнозируемым увеличением до 700 миллионов к 2045 году...»¹. Основными причинами инвалидизации и смертности пациентов с СД1 являются микро- и макрососудистые осложнения. В связи с этим, особое внимание уделяется сердечно-сосудистым рискам, к числу которых относится диабетическая автономная кардиоваскулярная нейропатия (ДАКН), ведущая к развитию кардиомиопатии, кардиосклероза, сердечной недостаточности и жизнеугрожающих аритмий.

Во всём мире особое внимание уделяется вопросам ранней диагностики, усовершенствования лечения и профилактики сахарного диабета 1 типа у детей. В связи с этим у детей с СД1, несмотря на редкость клинических форм ДКАН, распространённость субклинической ДКАН составляет от 16 до 75%, что зависит от обследованной популяции, использованных методов и критериев диагностики. Следовательно, алгоритме ранней диагностики ДКАН особое значение имеет применения эффективных методов и определения факторов, связанных с ДКАН.

В нашей стране проводятся комплексные реформы по развитию медицинского сектора, приведению медицинских услуг в соответствие с мировыми стандартами, совершенствованию методов раннего выявления, лечения и профилактики сахарного диабета у детей. В нашей стране определены такие приоритеты, как «... внедрение современных методов диагностики и лечения, оказание высококачественных медицинских услуг, в том числе внедрение и развитие телемедицины ...»². В связи с этим целесообразно разработать эффективные методы ранней диагностики, лечения и профилактики клинко-функциональных симптомов сахарного диабета 1 типа у детей.

Данная научно-исследовательская работа соответствует задачам, поставленным в Государственных программах: №УП – 6110 от 12 ноября 2020 года «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в ³деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ», ПП-4847 от 2 октября 2020 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы государственного управления

¹.International Diabetes Federation. IDF Diabetes Atlas, 9th edn. Brussels, Belgium 2019

².Постановлениях Президента за №-5124 от 25 мая 2021 года «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения

сферой здравоохранения», ПП-4295 от 19 апреля 2019 года «Об утверждении национальной программы по совершенствованию эндокринологической помощи населению республики на 2019 — 2021 годы», ПП-4891 от 16 декабря «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путём дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Согласно клиническим рекомендациям Европейской ассоциации эндокринологов СД1 поражает более 1 100 000 детей с ежегодной заболеваемостью около 128 900 во всём мире. Сахарный диабет (СД) является одной из приоритетных проблем, стоящих перед медицинской наукой и здравоохранением практически всех стран мира (Дедов, И.И., соавт., 2017). Существует множество доказательств того, что распространенность факторов риска сердечно-сосудистых заболеваний среди детей с диабетом высока, и в большинстве случаев эти факторы присутствуют уже на момент постановки диагноза (Flokas M.E., Zeymo A., Mete M., Anhalt H., Rother K.I., Gourgari E. 2020; Jones S., at all., 2019). Сахарный диабет связан с двукратным увеличением риска сердечно-сосудистых заболеваний, с преждевременной смертностью от сердечно-сосудистых заболеваний и четырёхкратным увеличением смертности от всех причин среди молодых (Rawshani A., at all., 2018; Sarwar N., at all., 2010). В связи с этим важным представляется вопрос о предрасполагающих факторах, действие которых приводит к развитию данного состояния.

По мнению зарубежных авторов, сосудистая дисфункция присутствует у детей с обоими типами диабета и является критическим предшественником атеросклероза. Уровень сердечно-сосудистой смертности выше у пациентов с диабетом, чем у пациентов без диабета с теми же сердечно-сосудистыми факторами риска (Stankute I., at all., 2019). Кардиоваскулярная автономная нейропатия (КАН) происходит параллельно развитию периферической нейропатии как части нейропатии, которая начинается дистально и прогрессирует проксимально. Связанная с диабетом кардиоваскулярная автономная нейропатия вызывает нарушения в контроле сердечного ритма, а также дефекты центральной и периферической сосудистой динамики (Шайдуллина М.Р. соавт., 2013). Степень кардиоваскулярной автономной нейропатии зависит от продолжительности диабета, гликемического контроля и возраста пациента. Быстрое прогрессирование диабетической кардиоваскулярной автономной нейропатии (ДКАН), может происходить с пубертатным возрастом.

В нашей стране ряд ученых проводят исследования по своевременной диагностике и патогенетической обоснованной коррекции клинико-

